

**Давлат активларини бошқариш агентлигининг биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2024 —  
2026 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлар ижроси бўйича  
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2024 йил Прогноз	шу жумладан, 4-чорак прогнози	ижроси	шу жумладан, 4-чорак ижроси
				ижроси		
1	<b>14. Давлат активларини бошқариш агентлиги</b>	млрд. сўм	11,4	2,85	10,2	3,21
	Стратегик мақсад: Давлат иштирокидаги корхоналарни ҳамда давлат кўчмас мулки объектларини хусусий секторга сотиш орқали Давлатнинг иқтисодиётдаги улушкини камайтириш ҳамда давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларида корпоратив бошқарувни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш натижасида бошқарув тизимини такомиллаштириш.					
<b>Якуний натижа кўрсаткичи</b>						
2	Савдоға чиқариладиган давлат иштирокидаги корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари) ва давлат кўчмас мулки объектлари сони	дона	165	55	1 217	134
3	Замонавий корпоратив бошқарув шакли ва усуллари жорий қилинадиган давлат иштирокидаги корхоналар сони (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСД) тавсиялари асосида ишлаб чиқилган корпоратив бошқарув қоидалари, комплаенс хизмати, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш)	дона	30	10	33	13
4	Давлат мулки бўлган бўш турган нотурар бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини ижарага бериш	МИНГ КВ.М	3 980	398	54 900	49 742
5	Давлат активларини реализация қилишдан тушган маблағларни республика бюджетига ўтказиш (корхоналар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидағи акциялар, ер участкаларига бўлган хуқуқ ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни)	млрд. сўм	10 000	5 400	6 154	2 432
<b>Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи</b>						
6	Савдоға чиқариладиган давлат иштирокидаги корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари) сони	дона	55	18	110	17
7	Савдоға чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари сони	дона	110	37	1 107	117

**Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Биринчи  
даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2024 — 2026  
йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ  
мақсадли индикаторларининг  
2024 йилда йиллик ижроси юзасидан  
ХИСОБОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Конуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ – 422-сон қарори билан Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2024—2026 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлар тасдиқланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 январдаги 4-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида низом қабул қилинган.

Унда **Стратегик мақсад** сифатида Давлат иштирокидаги корхоналарни ҳамда давлат қўчмас мулки обьектларини хусусий секторга сотиш орқали Давлатнинг иқтисодиётдаги улушкини камайтириш ҳамда Давлат улушки мавжуд хўжалик жамиятларида корпоратив бошқарувни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш натижасида бошқарув тизимини такомиллаштириш назарда тутилган.

Мазкур мақсадлар учун якуний кўрсаткич сифатида 2024 йилда Савдога чиқариладиган давлат иштирокидаги корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари) ва давлат қўчмас мулки обьектлари сонини **165 тага** етказиш, шундан бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи тариқасида 2024 йил учун:

- а) савдога чиқариладиган давлат иштирокидаги корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари) сони **55 дона**;**
- б) Савдога чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг қўчмас мулк обьектлари сони **110 дона** назарда тутилган.**

Юқорида қайд этилган қарорлар ва белгиланган индикаторлар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида Давактив агентлигининг **2024 йил 12 январдаги 13- ва 14-сон буйруқлари** тасдиқланиб, ижроси Давактив агентлигининг таркибий бўлинма раҳбарларининг шахсий назоратига олинган.

Индикаторларнинг баҳолаш ҳар чорак якуни бўйича **Ички аудит хизмати** томонидан амалга оширилмоқда ва натижалари бойича маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритиб борилмоқда.

Белгиланган мақсадли индикаторларнинг барчаси сўзсиз ижроси таъминланмоқда. Хусусан:

**а) савдоларга чиқариладиган давлат иштирокидаги корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари) сонини 55 та, савдоларга чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари сони 110 тага етказилиши бўйича:**

2024 йил якунига кўра, Давактив агентлиги томонидан умумий қиймати **3,5 трлн.сўм** бўлган **110 та** давлат иштирокидаги корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари) ҳамда **1107 та** давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари савдоларга чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ–162-сон қарорига асосан 1 028 та давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари ҳамда 247 та давлат иштирокидаги корхоналарнинг таркибидаги ташкилотларнинг акция пакетлари (улушлари) оммавий савдолар орқали сотилиши белгилаб берилган.

Мазкур қарор 2024 йил учун индикаторлар тасдиқлангандан сўнг қабул қилинган бўлиб, хусусийлаштириладиган давлат кўчмас мулк объектлари ва акция пакетлари (улушлари) сони индикатор кўрсаткичининг режага нисбатан ортиғи билан бажарилишига туртки бўлди

**б) Замонавий корпоратив бошқарув шакли ва усуллари жорий қилинадиган давлат иштирокидаги корхоналар сонини (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСД) тавсиялари асосида ишлаб чиқилган корпоратив бошқарув қоидалари, комплаенс хизмати, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаши) 30 тага етказилиши бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги «Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–101-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартағи 166-сон қарори билан тасдиқланган 2021–2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш ҳамда уларнинг фаолияти шаффофлигини таъминлаш мақсадида, Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2023 йил 23 июндаги 145-сон буйрути қабул қилинган.

Мазкур буйруқقا мувофиқ, давлат иштирокидаги корхоналар учун:

Корпоратив бошқарув қоидалари (янги таҳрирда);

Ахлоқ кодекси;

Коррупцияга қарши курашиш сиёсати;

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати;

Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсати лойиҳалари ишлаб чиқилиб ҳамда ўз фаолиятларида график асосида тадбиқ этилиши учун давлат иштирокидаги корхоналарга юборилган.

Шунга мувофиқ, **33 та** давлат иштирокидаги корхоналар («Навоий КМК» АЖ, «Ўзбекжумир» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «УзГасТраде» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзавтосаноат» АЖ, «Тошишаҳартрансхизмат» АЖ, «Навоиязот» АЖ, «Тошкент» Республика Фонд Биржаси АЖ, «Йўлқурилиши» АЖ, «Ўзсувтазминот» АЖ,

«Трест 12» АЖ, «Ўзбекекспертиза» АЖ, «Қўқон механик заводи» АЖ, “Бизнесни ривожслантириши банки” АТБ, «Халқ банки» АТБ, «Йўлрефтранс» АЖ, «Ўзсувқурилиши» АЖ, «Бухорогазсаноатқурилиши» АЖ, «Ўздонмаҳсулот» АЖ, «Бухороэнергомарказ» АЖ, Ўзогирсаноатлоийҳа” АЖ, «Марказий Ипподром» АЖ, «Нефтгазмееёр» АЖ, «Узассетс» АЖ, «Тиббий ташхисот маркази» МЧЖ, «Косон нефтгаз қидириув экспедицияси» МЧЖ, «Автоойна» МЧЖ, «Киргули иссиқлик манбаи» МЧЖ, «Полиетилен қувурлари» МЧЖ, «Навоий Темирийл транспорти» МЧЖ, «Автокомпонент» МЧЖ ва “Тошкент Инвест Компанияси“ АЖ) томонидан акциядорлар ҳамда кузатув кенгашларининг умумий йиғилишларида замонавий корпоратив бошқарув шакли ва усуллари жорий қилиш бўйича қарорлар қабул қилинган.

Шунингдек, комплаенс хизмати жорий қилинган давлат иштирокидаги корхоналар сони **66 тани** (комплаенс хизматлари 2020-2024 йилларда ташкил этилган), корпоратив бошқарув тизими 2024 йилда баҳолашдан ўтказилган давлат иштирокидаги корхоналар сони **58 тани** ташкил этади.

**д) Давлат мулки бўлган бўши турган нотурар бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқарии майдонларини ижарага беришда 3,98 млн кв.м га етказиши бўйича:**

2024 йил якуни ҳолатига, республика бўйича давлат мулкини ижарага бериш бўйича умумий майдони **54,9 млн квадрат метрлик 27 644 та** ижара шартномалари расмийлаштирилган.

2024 йилда тегишли хусусийлаштириш дастурларига асосан давлат иштирокидаги корхоналардан Давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиш марказининг ҳудудий бошқармалари балансига олинган обьектларни белгиланган тартибда сотилгунга қадар ижарага берилиши ҳамда қўшимча хатловларда аниқланган обьектлар бўйича ижара шартномалари тузилиши ҳисобига **2,7 млн квадрат метр**дан иборат бино-иншоотлар бўйича шартномалар тузилганлиги натижасида индикатор кўрсаткичи режага нисбатан ортифи билан бажарилган.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 сентябрдаги 441-сон қарорига асосан, 2024 йилнинг 4-чорагидан бошлаб, давлатга тегишли бўлган умумий майдони **47,5 млн квадрат метр**дан иборат сув ҳавзалари ҳам ижарага берилган.

**э) Давлат активларини реализация қилишидан тушган маблаглардан 10 трлн сўм пул маблагларини республика буджетига ўтказиши (корхоналар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидағи акциялар, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ ва давлат мулки ҳисобланадиган бошка мулкларни) бўйича:**

2024 йил 1 январь ҳолатига ҳисоб рақамда **3 326,0 млрд сўм** қолдиқ бўлиб 2024 йил давомида давлат активлари сотилиши ҳамда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуки ва ижара ҳуқуки асосида реализация қилиниши натижасида **6 489,5 млрд сўм** келиб тушган, шундан:

**4 474,6 млрд сўм** – давлат иштирокидаги корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари) ва давлат кўчмас мулки обьектлари реализациясидан;

**2 014,9 млрд сўм** ер участкалари реализация қилишдан келиб тушган.

Ўз навбатида, ушбу келиб тушган маблағлардан 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг **республика бюджетига** – **6 154,2 млрд сўм** ўтказиб берилган

бўлиб, мазкур маблағлардан:

**5 791,5 млрд сўм** – Ўзбекистон Республикасининг **республика бюджетига**;

**271,6 млрд сўм** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 сентябрдаги тегишли қарорига мувофиқ давлат активларини хусусийлаштиришдан тушумлар ҳисобидан республика бюджетига йўналтириш мақсадида «Соссом» МЧЖга;

**67,8 млрд сўм** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 апрелдаги 225-Ф/8-сон фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг **Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига** (мазкур маблағлар *Давлат активларини бошқарии, трансформация ва хусусийлаштириши жамғармаси ҳисоботларида республика бюджетига ўтказилган маблағлар сифатида акс эттирилиши белгиланган*);

**23,3 млрд сўм** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 сентябрдаги 603-Ф-сон фармойишига мувофиқ, **Экология жамғармасига** (мазкур маблағлар *Давлат активларини бошқарии, трансформация ва хусусийлаштириши жамғармаси ҳисоботларида республика бюджетига ўтказилган маблағлар сифатида акс эттирилиши белгиланган*) ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-162-сон қарорига асосан давлат активлари уч ой давомида сотилмагандан (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) уларнинг бошланғич нархи қолдиқ (баланс) қиймати ёки соф активлари миқдоридан қатъи назар 10 фоизигача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287-сон Фармонига асосан ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб 4 ва 5-тоифаларга киритилган туманларда жойлашган давлат активлари ҳамда мулк хуқуқи асосида сотиб олинган ер участкалари бўйича харидорлар томонидан сотиб олиш тўловлари суммасидан қатъий назар, 60 ой давомида teng улушларда тўлаш белгиланган.

Юқоридаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, бугунги кунда оммавий савдоларга чиқарилган активлар 3 ойдан ортиқ савдоларда сотилмаганлиги сабабли уларнинг бошланғич қиймати босқичма-босқич пасайтирилган ҳолда сотилмоқда.

Шу билан бирга, сотилган активларнинг кўп қисми харидорларга сотиб олиш тўловларини 60 ой давомида teng улушларда тўлаш шарти билан хусусийлаштирилмоқда.

**ф) Давлат активларини бошқариш агентлигига бүджетдан ажратилган 11,4 млрд сўмлик маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва мақсадли индикаторларнинг тўлиқ бажарилиши бўйича:**

2024 йил якунига кўра, Давлат активларини бошқариш агентлигига бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва мақсадли индикаторларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланиши учун **10,2 млрд сўмлик** маблағлар сарфланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 25 декабрдаги «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги Қонуни билан Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил учун ажратилган бюджет маблағлари миқдори **10,5 млрд сўмга** туширилган.